



“29” апрель 2021 й. № 02-06/2122

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгаларига, ташқи
реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликлари**

Нусхаси:

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги қонунининг асосий вазифаларидан бири бу – рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф муҳит ҳолатига тажовузидан ҳимояланиш чораларини таъминлашдан иборат.

Қонуннинг 20-моддасига кўра, ташқи рекламани моддий маданий мерос объектларида жойлаштириш тақиқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан тасдиқланган Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш учун бериладиган ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 11-бандида – рекламани жойлаштириш тақиқланган бинолар ва унинг ёндош ҳудудлари рўйхати тасдиқланган.

Бироқ, жойларда кўплаб ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) моддий маданий мерос ва тарихий объектларида жойлаштирилганлиги кузатилмоқда ҳамда бу ҳолатлар ижтимоий тармоқларда кескин муҳокамаларга ҳамда кўплаб салбий фикрларга сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида, маданий-тарихий объектларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштирилганлиги республикамизда туризм соҳасида олиб борилаётган ислохотларга салбий таъсир этиши, туризм салоҳиятини тушишига ҳамда тарихий-маданий қийматга эга бўлган объектларни туристик маскан сифатида жозибadorлигини ва эстетик муҳитини бузилишига олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан Сиздан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори талабларига қатъий риоя этилишини, хусусан моддий маданий мерос объектларида жойлаштирилган номувофиқ ташқи реклама объектларининг (конструкцияларининг) қарор талабларига мослаштириш юзасидан тезкор чораларни кўришиниз сўралади.

Директор ўринбосари



А.Қурбонов